



2016 yil "16" avgust № 253

Farg'ona shahri

**Вилоятда Ўзбекистон Республикаси Давлат Мустақиллигининг
25 йиллиги байрами тадбирларига тайёргарлик кўриш ва уни
юқори савияда ўтказиш ҳамда хавфсизликни таъминлаш
бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**

Вилоятда Ўзбекистон Республикаси Давлат Мустақиллигининг 25 йиллиги байрами тадбирларига тайёргарлик кўриш ва уни кўтаринки руҳда ўтказиш, байрам арафасида аҳоли кайфиятига салбий таъсир қилувчи ҳолатларни олдини олиш, ички бозорларда нарх-наволар барқарорлигини таъминлаш, шунингдек байрам арафасида хавфсизликни таъминлаш, фавқулодда вазиятларни олдини олиш бўйича олиб борилаётган ишларни янада кучайтириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 15 август кунги топшириқлари ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 25-моддасига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 15 август куни "Давлат Мустақиллигининг 25 йиллиги байрами тадбирларига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш ҳамда хавфсизликни таъминлаш чора-тадбирлари"га бағишлаб ўтказилган йиғилишида берилган топшириқлар раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат Мустақиллигининг 25 йиллиги байрамини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш даврида хавфсизликни таъминлаш ҳамда жамоат тартибини сақлаш билан боғлиқ тадбирларни ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар режаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Масъул бошқармалар, идоралар, ташкилотлар раҳбарлари ҳамда шаҳар ва туманлар ҳокимлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 15 август куни ўтказилган йиғилишида берилган топшириқларнинг ижросини таъминлаш, байрам тадбирларини тинч ва осойишта ўтказиш ҳамда байрам арафасида аҳоли кайфияти билан боғлиқ ижтимоий масалаларни ҳал этиш, огоҳлик, ҳушёрлик ва хавфсизликни таъминлаш масалаларига шахсан масъул эканликлари белгилаб қўйилсин.

4. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Пўлатов, Ички ишлар бошқармаси (А.Султанов), Фавқулодда вазиятлар бошқармаси (Х.Бобонов)га:

вилоят ҳудудида байрам тадбирлари ўтказиладиган жойларда умумий хавфсизликни таъминлаш учун қўшимча чоралар кўриш белгиласин ҳамда жойларда аҳоли ўртасида огоҳлик, ҳушёрликни ошириш, жамоат тартибини сақлаш, шунингдек, шаҳар ва туман ҳокимликлари билан биргаликда байрам муносабати билан мулкчилик шаклидан қатъий назар барча корхона ва

муассасаларда, "Алохида мухим ва тоифаланган объектлар"да ташкил этилган навбатчиликларда биринчи раҳбарларнинг туришини, навбатчилик тартиб-қоидаларига риоя этилишини қатъий назоратга олсин.

5. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Пўлатов, Ички ишлар бошқармаси (А.Султонов), "Маҳалла" хайрия жамоат фонди (Б.Элчиев), Халқ таълими (З.Тешабоев), Ўрта махсус касб-ҳунар таълими (М.Холдоров), Соғлиқни сақлаш (О.Умаров) бошқармалари, шаҳар ва туманлар ҳокимларига:

ҳудудлар бўйича ҳар бир хонадонда хатлов ўтказиш, хонадон аъзоларининг фуқаролик паспортлари мавжудлиги, ҳақиқатда ушбу хонадонга рўйхатга қўйилганлиги, уй дафтари мавжудлиги ва оила аъзолари тўлиқ ёзилганлиги, оилада жазони ижро этиш муассасасидан қайтган ёки жазони ўтаётган аъзолар мавжудлиги, (жазони ижро этиш муассасасидан қайтган бўлса уни ижтимоий қўллаб қувватланганлиги ва иш билан таъминланганлиги ҳолати), оилада диний оқимга мансуб аъзолар мавжудлиги, оиладаги ижтимоий муҳитнинг ҳолати, оилада чет элга вақтинча ишлаш ёки даволангани, доимий чиқиб кетганлар ва ўз навбатида қайтиб келганлар мавжудлиги, оиласида узок муддатда бирга яшаётган қариндош уруғи, ўртоғи ва бошқа шахсларнинг мавжудлигига алоҳида эътибор берган ҳолда, алоҳида назоратга олиш ва бошқа тадбирларни амалга ошириш;

айниқса, чегара ҳудудларида яшовчи оилаларга хориждан келган қариндошлари, ёр биродарлари байрамгача бўлган муддатда чиқариб юборилишини ҳамда байрам арафасида қариндошларнинг келмаслиги бўйича аҳолига тегишли тушунтиришлар бериб бориш;

ҳар бир маҳалларнинг кириш ва чиқиш жойларида жамоатчилик назорати юзасидан постлар ташкил этилиб, туну-кун навбатчиликлар ташкил қилиш;

маҳаллаларда фаоллардан иборат "жамоатчилик назорати" гуруҳларини ташкил этиш, уларнинг доимий фаолиятини йўлга қўйиш;

одамлар кўп тўпланадиган жойларда, истирохат боғларида, маданият уйлари, савдо комплекслари олд қисмида жамоатчилик назоратини кучайтириш;

таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари, корхона ва ташкилотларда жорий йилнинг 15 августдан 4 сентябр кунига қадар биринчи раҳбарлардан иборат куну-тун навбатчиликларни ташкил этиш ва жадвал асосида навбатчиларни туришини махсус рейдлар ўтказган ҳолда назорат қилиб бориш вазифалари юклатилсин.

6. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Пўлатов, Ички ишлар (А.Султонов), Фавқулодда вазиятлар (Х.Бобонов), Ёнғин хавфсизлиги (В.Кенжабоев), Соғлиқни сақлаш (О.Умаров) бошқармалари билан биргаликда байрам тадбирлари давомида кутилмаган фавқулодда ҳолатларни олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш учун тузилган режаларини қайтадан кўриб чиқсин ҳамда барча куч ва воситаларни шайлигини таъминласин.

7. Вилоят ҳокимининг ўринбосари О.Ахмедов, "Водийгазтаъминот" УК (А.Эргашев), "Фарғона ҳудудий электр тармоқлари" АЖ (У.Абдуллаев), "Сувоқава" ДУК (М.Юлдашев) байрам муносабати билан ташкил этилган авария-тиклаш гуруҳлари фаолиятини янада кучайтирсин ҳамда байрам кунлари электр энергияси, табиий газ ва ичимлик суви таъминотидаги юзага келиши мумкин бўлган узилишларни олдини олиш юзасидан тегишли чора-тадбирларни амалга оширсин.

8. Вилоят ҳокимининг ўринбосари С.Қўчқоров, Давлат Солиқ бошқармаси (А.Тешабоев), вилоят Бозорлар уюшмаси (Б.Равшанов), Давлат Санитария-эпидемиология назорати маркази (А.Якубов), шаҳар ва туман ҳокимликлари билан биргаликда байрам арафасида ички бозорлардаги нарх-наволарнинг барқарорлигини таъминласин;

асосий турдаги истеъмол товарлари нархларининг асоссиз равишда ошиб кетишини олдини олиш, савдо расталарига тўлиқ тўлов терминалларини ўрнатиш ва уларни узлуксиз ишлашини таъминлаш бўйича қаттиқ назорат ўрнатсин;

байрам арафасида ички деҳқон бозорлари ва савдо расталарида сотувга чиқарилган маҳсулотларнинг санитария-гигиена талабларига ҳамда истеъмолга яроқлилиги юзасидан белгиланган тартибда мониторинглар ўтказиб борсин ҳамда бозорларда тозалик ва санитария қоидаларига қатъий риоя қилинишини таъминласин.

9. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Пўлатов, Ички ишлар бошқармаси (А.Султанов), ИИБ ЙХХБ (Ж.Казимов), ИИБ ЁХБ (В.Кенжабоев), Фавқулодда вазиятлар бошқармаси (Х.Бобонов), Солиқ бошқармаси (А.Тешабоев), шаҳар ва туман ҳокимликлари билан биргаликда:

байрам тадбирлари ўтказилиши белгиланган ҳудудлар ҳамда объектларда жамоат тартибини сақлаш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида транспорт воситаларини тадбир ўтказилаётган жойдан камида 150 метр узоқликда тўхтатилишини таъминласин;

вилоятдаги барча автотураргоҳларда байрам арафасида ИИБ ЁХБ ҳамда ИИБ ЙХХБ ходимларидан иборат қўшимча наватчиликлар ташкил этсин;

бир кун муддатда Ўзбекистон Республикаси Давлат Мустақиллигининг 25 йиллик байрами муносабати билан байрам тадбирлари ўтказилиши режалаштирилган объектларда юзага келиши мумкин бўлган ҳолатларни олдини олиш ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида уларни қайтадан текшириб чиқсин ва аниқланган камчиликларни зудлик билан бартараф этиш чорларини амалга оширсин.

10. Вилоят Телерадиокомпанияси (Ж.Мамарасулов), "Фарғона ҳақиқати" ва "Ферганская Правда" газеталари таҳририяти (Н.Собиров)га ҳамда тегишли бошқарма ва ташкилотлар билан биргаликда **бир кун муддатда** байрам тадбирларига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш давомида жамоат тартибини сақлаш, аҳолини хушёрликка даъват этувчи, кўрсатув-роликлар, мақолалар тайёрлаш ҳамда оммавий ахборот воситаларида мунтазам ёритиб бериш тавсия этилсин.

11. Ушбу қарор ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Вилоят ҳокими

Ш.Фаниев

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллиги байрамини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш даврида хавфсизлик ва жамоат тартибини таъминлаш билан боғлиқ тадбирларни ташкил этиш бўйича ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ

Т/р	Тадбирлар номи	Бажариш мuddати	Масъул бажарувчилар
1.	<p>Жорий йилнинг 15 августъ куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири раҳбарлигида “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллиги байрамини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш даврида хавфсизлик ва жамоат тартибини таъминлаш билан боғлиқ тадбирларни ташкил этиш тўғрисида” ўтказилган селектор йиғилишида берилган кўрсатма ва топшириқларни жойлардаги маҳаллий ҳокимликларга, давлат ва жамоат ташкилотларига, ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда кенг жамоатчиликка етказиш бўйича тарғибот гуруҳини шакллантириш, дастурлар ва учрашувлар жадвалини ишлаб чиқиш.</p>	<p>1 кун мuddатда</p>	<p>Вилоят ҳокимлигининг гуруҳ раҳбарлари (Н.Садриддинов, А.Ақбаров) ва котибият мудирлари (Р.Шукуров, Л.Валиев)</p>
2.	<p>Байрам тадбирларини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш даврида хавфсизлик ва жамоат тартибини таъминлаш билан боғлиқ тадбирларни ташкил этиш бўйича ўзларининг қарорларини қабул қилиш, мазкур қарорлари асосида чора-тадбирлар режасини тасдиқлаш, мустақиллик байрами арафасида топшириладиган объектлар рўйхатини шакллантириш ҳамда амалга оширилиши бўйича штаблар тузиш.</p>	<p>2 кун мuddатда</p>	<p>Шаҳар ва туман ҳокимлари</p>
3.	<p>Барча фуқаролар йиғини ва учатка нозирлари томонидан Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллиги байрамини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш даврида хавфсизлик ва жамоат тартибини таъминлаш билан боғлиқ тадбирларни ташкил этиш тўғрисида қўшма чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш.</p>	<p>3 кун мuddатда</p>	<p>Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (Б.Пўлатов), Ички ишлар бошқармаси (А.Султонов), Шаҳар ва туман ҳокимлари, Ички ишлар бўлими раҳбарлари ҳамда</p>

Т/р	Тадбирлар номи	Бажариш мuddати	Масъул бажарувчилар
			“Махалла” хайрия жамоат фонди раислари
4.	<p>Фуқаролар йиғини раиси ва ҳудуд участка нозирини биргалликда кўйидагиларга этибор берган ҳолда хатлов жараёнларини ўтказадилар:</p> <ul style="list-style-type: none"> - хонадон аъзоларини фуқаролик паспортлари мавжудлиги; - ҳақиқатда ушбу хонадонга рўйхати кўйилганлиги; - уй дафтари мавжудлиги ва оила аъзолари тўлиқ ёзилганлиги; - оилада жазони ижро этиш муассасасидан қайтган ёки жазони ўтаётган аъзолар мавжудлиги; <i>(жазони ижро этиш муассасасидан қайтган бўлса уни ижтимоий қўллаб қўawatланганлиги ва иш билан таъминланганлиги ҳолати)</i> - оилада диний оқимга мансуб аъзолар мавжудлиги; - оила аъзоларини иш билан бандлик даражаси; - оилани боқимандалик даражаси; - оиланинг даромад манбаалари мавжудлиги; - томорқадан мақсадли фойдаланиш ҳолати; - оила аъзоларини таълимга ёки касб-хунарга йўналтириш даражаси; - оила аъзоларини тадбиркорлик билан шуғулланишга мойиллиги; - оиладаги ижтимоий муҳит ҳолати яъни оила аъзоларидан бирининг ичкиликка ружу кўйганлик, жанжалкашлик, турмушидан ажрашганлик ёки оила аъзоларининг соғлом фикрлашларини алохида ўрганиш; - коммунал тўловлар ва солиқ тўловлардан кўп миқдорда қарздорлик мавжудлиги; - оилада чет элга вақтинча ишлаш ёки даволангани, доимий чиқиб кетганлар ва ўз навбатида қайтиб келганлар мавжудлиги; - оиласида узоқ муддатда бирга яшаётган қариндош уруғи, ўртоғи ва бошқа шахсларнинг мавжудлигини аниқлаш. 	<p>Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (Б.Пўлатов), Ички ишлар бошқармаси (А.Султонов), Шаҳар ва туман ҳокимлари, Ички ишлар бўлими раҳбарлари ҳамда “Махалла” хайрия жамоат фонди раислари</p>	

Т/р	Тадбирлар номи	Бажариш муддати	Масъул бажарувчилар
5.	<p>Барча маҳалла-қишлоқ фуқарорлар йиғинлари раислари ва ИИБ профилактика инспекторларидан “маҳалладаги хонадонлар, аҳоли, кам таъминланган ва эҳтиёжманд кўп болали оилалар, нафақахўрлар сони, ўқувчилар, коллеж битирувчилари сони, ногинч оилалалар, профилактик назоратда турганлар тўғрисида маълумот, четга чиққан ва қайтиб келганлар билан амалга ошириладиган ишлар, турли хил оқимларга аъзо хонадонлар билан олиб бориладиган ишлар, Мустақиллик байрами арафасида ва уни ўтказиш вақтида тинчликни, оғохликни ва хушёрликни таъминлаш бўйича нима ишлар амалга ошириши тўғрисида” шаҳар ва туман ҳокими номига кафолат хатларини олиш.</p>	1 кун мuddатда	Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (Б.Пўлатов), Ички ишлар бошқармаси (А.Султонов), Шаҳар ва туман ҳокимлари, Ички ишлар бўлими раҳбарлари ҳамда “Маҳалла” хайрия жамоат фонди раислари
6.	<p>Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллиги байрамини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш даврида хавфсизлик ва жамоат тартибини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ҳамда 20 августдан 5 сентябр кунига қадар навбатчилик жадвалини тасдиқлаш.</p>	3 кун мuddатда	Вилоят ҳокимининг ўринбосари (Қ.Имомов), Ички ишлар бошқармаси (А.Султонов), Бошқарма, ташкилот, корхона, муассаса ва идоралар раҳбарлари
7.	<p>Худудларда асосий байрам тадбирлари ўтказиладиган объектларни хавфсизлиги бўйича хатловдан ўтказиш ва белгиланган тартибда далолатнома тузиш;</p> <p>фавқулоғда вазиятларни олдини олиш чораларини кўриш, умумий хавфсизликни таъминлаш юзасидан кўшимча чора-тадбирлар белгилаш ҳамда жойларда аҳоли ўртасида оғохлик, хушёрликни ошириш, жамоат тартибини сақлаш чораларини кўриш;</p> <p>Одамлар кўп тўпланадиган жойлар, истироҳат боғлари, маданият марказлари, бозорлар ва савдо комплекслари ва бошқа жойларни ички ишлар бўлиmlари томонидан кўшимча кучлар ажратиш бўйича чоралар кўриш;</p> <p>шаҳар ва туман ҳокимликлари билан биргаликда байрам муносабати билан мулкчилик шаклидан қатъий назар барча корхона ва муассасаларда, “Алоҳида муҳим ва тоифаланган объектлар” да ташкил этилган навбатчиликларда биринчи раҳбарларнинг</p>	3 кун мuddатда	Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (Б.Пўлатов), Ички ишлар бошқармаси(А.Султонов), Ёнгин хавфсизлиги бошқармаси (В.Кенжабоев), вилоят Фавқулоғда вазиятлар бошқармаси (Х.Бобонов) ҳамда шаҳар ва туман ҳокимлари

Т/р	Тадбирлар номи	Бажариш муддати	Масъул бажарувчилар
8.	<p>туришини, навбатчилик тартиб-қоидаларига риоя этилишини қатъий назоратга олиш.</p> <p>Аҳоли гавжум жойларда жойлашган ёқилги қуйиш шахобчаларини рўйхатини шакллантириш ва тегишли мутахассислар билан биргаликда уларни ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя этилиши ўрганиш, чегарадан ўтиш пунктлари агрофидаги жойлашган савдо шахобчалари, машиналарни тўхташ жойлари ва бошқа хизмаг кўрсатиш шахобчалари аниқлаш ҳамда байрам кунни арафасида белгиланган тартибда фаолиятини вақтинча тўхтатиб туриш чораларини кўриш.</p>	3 кун муддатда	<p>Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (Б.Пўлатов), Ички ишлар бошқармаси(А.Султанов), Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси (В.Кенжабоев), Фавқулодда вазиятлар бошқармаси (Х.Бобонов) ҳамда шаҳар ва туман ҳокимлари</p>
9.	<p>Байрам муносабати билан ташкил этилган авария-тиклаш гуруҳлари фаолиятини янада кучайтириш ҳамда байрам кунлари электр энергияси, табиий газ ва ичимлик суви таъминотидаги юзага келиши мумкин бўлган узилишларни олдини олиш юзасидан зудлик билан чора-тадбирлар белгилаш.</p>	2 кун муддатда	<p>Вилоят ҳокимининг ўринбосари (О.Ахмедов), “Водийгазтаъминот” УК (А.Эргашев), “Фаргона худудий электр тармоқлари” АЖ (А.Абдуллаев), “Сувоқава” ДУК (М.Юлдашев)</p>
10.	<p>Байрам арафасида ички деҳқон бозоралари ва савдо расталарида сотувга чиқарилган маҳсулотларнинг санитария-гигиена талабларига ҳамда истеъмолга яроқчилиги юзасидан белгиланган тартибда мониторинглар ўтказиб борсин ҳамда бозорларда, байрам тадбирлар ўтказиладиган жойларда тозалик ва санитария қоидаларига қатъий риоя қилинишини таъминлаш.</p>	Доимий	<p>Вилоят ҳокимининг ўринбосари (С.Кўчқоров), Давлат Санитария-эпидемиология назорати маркази (А.Якубов) ва шаҳар, туман ҳокимлари</p>
11.	<p>Байрам арафасида 1-даражали тўловларни ўз вақтида тўланиши, савдо дўконларида ун ва ёғ маҳсулотлари ва бошқа аҳоли учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари бўлиши, нарх-наволарнинг барқарорлигини таъминлаш, асосий турдаги истеъмол товарлари нархларининг асоссиз равишда ошиб кетишини олдини олиш, савдо расталарига тўлиқ тўлов терминалларини ўрнатиш ва уларни узлуксиз ишлашини таъминлаш бўйича қаттиқ назорат ўрнатиш.</p>	Доимий	<p>Вилоят ҳокимининг ўринбосари (С.Кўчқоров), Давлат солиқ бошқармаси (А.Тешабоев), Марказий банк бош бошқармаси (Ж.Алиев), Бозорлар уюшмаси (Б.Равшанов) ҳамда шаҳар ва туман ҳокимликлари</p>

Т/р	Тадбирлар номи	Бажариш муддати	Масъул бажарувчилар
12.	<p>Маҳаллалардаги кам таъминланган ва эҳтиёжманд, кўп болали оилалар, етим-есирлар ва яқка-ёлғиз қариялар ҳолидан хабар олиш, байрам совғаларини бериш, маҳаллаларда ўтадиган тадбирларга тақлиф этиш.</p>		<p>Вилоят “Маҳалла” хайрия жамоат фонди (Б.Элчиев), Шаҳар ва туман ҳокимлари, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди раислари</p>
13.	<p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 июндаги ПҚ-2540-сонли қарорида белгиланган асосий йўналишларни тарғиб қилиш мақсадида “Мустақиллик - бу ҳуқуқ демакдир” шиори остида ҳуқуқий саводхонлик ойлигини ўтказиш.</p> <p>Унда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари вакиллари, ҳуқуқшунос олимлар ва бошқа мутахассисларни жалб этган ҳолда маҳалла, қорхона, ташкилот, муассаса ва идораларда ҳуқуқий мавзуларда туркум тадбирлар ўтказиб бориш.</p>	<p>Август-сентябрь</p>	<p>Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Пўлатов, Адлия бошқармаси (М.Назаралиев), Олий ўқув юртлари, Ўрға махсус, касб-хунар таълими худудий бошқармаси (М.Холдоров), Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими (Ф.Зохидов), шаҳар ва туман ҳокимликлари</p>
14.	<p>“Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва ҳеч кимдан кам бўлмаймиз!”, “Миллий армия — таянчимиз, фахримиз!” мавзуларида ҳарбий хизмагчилар иштирокида касб-хунар коллежлари, академик лицейлар, умумтаълим мактабларида ҳамда маҳалла ёшлари орасида суҳбатлар, учрашувлар ва мунозаралар уюштириш.</p>	<p>Сентябрь</p>	<p>Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Пўлатов, Мудофаа ишлари бошқармаси (К.Бердиев), Олий ўқув юртлари, Ўрға махсус, касб-хунар таълими худудий бошқармаси (М.Холдоров), Халқ таълими бошқармаси (З.Тешабоев), “Қамолоғ” ЁИХ вилоят Кенгаши (Ш.Полвонов)</p>
15.	<p>Байрам тадбирларига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш давомида жамоат тартибини сақлаш, аҳолини хушёрликка даъват этувчи, кўрсатув-роликлар, мақолалар тайёрлаш ҳамда оммавий ахборот воситаларида мунтазам ёритиб бориш.</p>	<p>Август-сентябрь</p>	<p>Вилоят Телерадиокомпанияси (Ж.Мамарасулов), “Фарғона ҳақиқати” ва “Ферганская Правда” газеталари таҳририяти (Н.Собиров)</p>